

ТОКНИНГ АНТРАКНОЗ КАСАЛЛИГИ

Ходжамқулова С.С

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси таянч докторанти

Рахмонов У.Н. - қ.х.ф.ф.д.доцент

Аннотация: Бу мақолада токнинг антракноз касаллиги, уларнинг биологияси тур таркиби, биоэкологияси ҳамда морфологияси илмий тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар : антракноз, замбуруғ, фунгицид, нав, касаллик, намлик

Аннотация: В этой статье описываются болезни антракноз виноград, вызываемые грибами и их вредность. Наиболее распространёнными болезнями антракноз виноград являются болезни, вызываемые грибами относящимися к порядку .

Ключевые слова: антракноз, гриб, фунгицид, сорт, болезнь, влага

Annotation: This article analyzes the anthracnose disease of, their biology, species composition, bioecology and morphology.

Keywords: anthracnose, fungus, fungicide, cultivar, disease, moisture

Антракнознинг ватани – Европа. Шимолий Америкадан оидиум ва милдью ўтишидан олдин бу қитъада антракноз энг зарарли касаллик бўлган. Ҳозир баъзи қуруқ иқлимли минтақалардан ташқари узум экиладиган барча мамлакатларда, МДҲда Украина, Россия (Доғистон республикаси, Астрахан ва Ростов вилоятлари, Краснодар ва Ставропол ўлкалари), Молдавия, Кавказ орти ва Қозоғистонда тарқалган. Ўзбекистонда барча вилоятларда учрайди.

Касалликнинг зарари. Европанинг айрим, сернам минтақаларида антракноз билан жуда кучли зарарланиши ва ҳосил бермаслиги туфайли баъзи навлар экилмайди. Зарарланган тоқларнинг барглари ва гуллари тўкилиши, новдалари ўсишдан орқада қолиши ва узум кам тугилиши натижасида, тоқ ўсиши ва ҳосили пасаяди. Сурункали ва кучли зарарланган тоқ 3-4 йилдан сўнг нобуд бўлиши мумкин. Ўзбекистонда антракнознинг зарари катта.

Сернам об-ҳавода июнь ойининг бошида зарарланган токнинг Ҳусайни ва Қора кишмиш навлари баргларининг 28% йўқотиши мумкин. Кучли зарарланган Ҳусайни навининг ҳосили соғломларига кўра 3-5 марта камаяди.



1-расм. Антракноз билан касалланган токнинг поя, барг ва шингили.

Натижалар: Қуйидаги 1-жадвалда кўриниб тургандай, антракноз, ун-шудринг, сохта ун-шудринг касалликлари токнинг органларига тарқалиши бўйича энг куп учради. Қолган касалликлар асосан фақат шингилда белгилар намоён бўлганлигини лаборатория тажрибалари ва касаллик белгиларин кузатиш жараёнида кўриб чиқдик. Булар орасида энг хавфли шакли шингил бўлиб *Gleosporium ampelophagum* замбуруғи хосилга кучли зарар келтирилганлиги тахлил қилинди.

**Ток ўсимлигидан ажратилган замбуруғ турларининг ўсимлик
аъзолари бўйича тарқалиши
(2023 й)**

1-жадвал

Замбуруғ турлари	Замбуруғ ажратилган ўсимлик органлари				
	Ёш новдаси	Пояси	Барги	Шингили	Гажаклари
1	2	3	4	5	6
Gloeosporium ampelophagum	+	+	+	+	+
Plasmopara viticola	+	-	+	+	+
Uncinula necator	+	+	+	+	+
Botrytis cinerea	-	-	+	+	-
Aspergillus niger.	-	-	-	+	-
Penicillium spp.	-	-	-	+	-

Барча тажриба олиб борилган йиллар бўйича ҳосилнинг нисбатан кўп ёқотилиши антракноз касаллигида хосил 43.5 %, улардан кейин эса бир гуруҳ касалликлар (ун-шудринг, сохта ун-шудринг, чириш касалликлари) деярли бир хил 23-40% оралиғида ток ўсимлигини хосилини пасайтирилиши кузатилди.

Тажрибаларимиз Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Қизирик, Ангор ва Термиз туманлари кесимида ўтказилди.

Хулосалар: Антракноз ривожланишига таъсир қилувчи асосий факторлар ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлигидир. Тез-тез ёмғир ва жала бўладиган мавсумларда касаллик айниқса кучли ривожланади. Замбуруғ конидиялари 2-32°C орасида (оптимум 24-26°C) ўсиши ва токни зарарлаши мумкин. Инкубацион давр чидамсиз навларда 2°C да 13 кун, 24-32°C да 3-4 кун. Бир мавсумда қўзғатувчи 30 тагача авлод беради.

Замбуруғ касалликлари таъсирида ток ғосилдорлигининг пасайиши
2-jadval

№	Касалликлар	Ҳосилдорликнинг пасайиши, %		Ўртача
		2022	2023	
1.	Кўк чириш	22,8	25,1	23,9
2.	Кулранг чириш	18,9	26,5	32,1
3.	Сохта ун-шудринг	26,8	29,9	41,7
4.	Ун-шудринг	25,3	28,4	39,5
5.	Антракноз	28,3	30,5	43,5

Тавсия қилинган асосий адабиёт манбаалари:

1. Ҳамраев А.Ш., Азимов Ж.А., Ниёзов Т.Б. ва б. Боғ, токзорларнинг зарақунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш тизими. Тошкент: “Фан”, 1995, 160 б.
2. Набиев Ў. Мевазор ва токзорларнинг зарақунанда ҳамда касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1974, 48 б.
3. Ҳасанов Б.А., Очилов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Тошкент: “Office Print”, 2010, 316 б.